



№ 18/44115 « 29 » 11 2021y.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“Эл-юрт умиди” жамғармаси

Рахбарият топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хиндистондаги Элчихонасига бириктирилган республика ҳудудлари ривожига ҳар томонлама кўмаклашиш, хусусан жойлардаги ёшларнинг замонавий билим олишларига ёрдам бериш бўйича олиб борилаётган ишлар доирасида дипломатик ваколатхона томонидан Хиндистоннинг “PCTE Group of Institutes” таълим муассасаси рахбарияти вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Маълумот учун: “PCTE Group of Institutes” ўқув муассасаси 1999 йилда Панжоб штатининг Лудiana шаҳрида ташкил топган бўлиб, мазкур штатдаги етакчи олий таълим муассасалари қаторига киради. Институтда 11 та йўналиш бўйича таълим берилади. Батафсил ахборот олийгоҳ сайтида мавжуд: www.pcte.edu.in.

“PCTE Group of Institutes” томонидан 4 нафар ўзбекистонлик талабага 2022 ўқув йили учун бакалавр ва магистратура босқичи бўйича қатор йўналишларда (муҳандислик, журналистика ва оммавий коммуникациялар, биотехнология, туризм, мода ва дизайн, тижорат ва бошқалар) грантлар тақдим этилиши мумкин.

Ушбу грантлар доирасида фақатгина ўқув жараёни учун тўловларни қоплаш назарда тутилади. Озиқ-овқат, ётоқхона, транспорт харажатлари, талаба / юборувчи томонидан қопланади (ётоқхона учун арзонлаштирилган тўлов миқдори 1 нафар талаба учун 1 йилда тахминан 1000 АҚШ долларини ташкил қилади).

Ҳинд томони ўқиш истагида бўлган ўзбекистонлик ёшларни тавсия қилишни сўради. Бу борада кўшимча маълумотларни кўйидаги телефон рақамлари ва электрон почта манзили орқали олиш мумкин: масъул ходим – Рупика Жейн +918968928855 (телефон/ватсап) internationalaffairs@pcte.edu.in ёки rupika@pcte.edu.in.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси қўшма мувофиқлаштируви остида Ҳиндистондаги Элчихонамизга бириктирилган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Тошкент вилоятидан (*Оҳангарон шаҳри*) “PSTE Group of Institutes”да таълим олиш истагида бўлган 4 нафар ёшлар номзодини тавсия қилиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Вазир ўринбосари



Ф.Сидиқов